

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Үч.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЯРАШЕВ БОБОМУРОД ЧАЛГАШЕВИЧ

**МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЛОКАЛ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШ**

12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ярашев Бобомурод Чалгашевич

Меҳнат муносабатларини локал ҳуқуқий тартибга солиш.....3

Ярашев Бобомурод Чалгашевич

Локальное правовое регулирование трудовых отношений.....19

Yarashev Bobomurod Chalgashevich

Local legal regulation of labor relations.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....39

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Үн.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЯРАШЕВ БОБОМУРОД ЧАЛГАШЕВИЧ

**МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЛОКАЛ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШ**

12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар камаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Yu249 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.jxu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманова Муборак Акмалджановна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аминжанова Матлуба Ахмедова
юридик фанлар доктори, доцент

Саттарова Гулноза Джуракуловна
юридик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий мактаби

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил "4" ноябрь соат 14.30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100211, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўргони. Тел.: 998 71 230-32-71; факс: 998 71 230-32-82; Jxu@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2367-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100211, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўргони. Тел.: +998 71 230-32-71; факс: +998 71 230-32-50.

Диссертация автореферати 2022 йил "22" сентябр даги 8 - рақамли реестр баённомаси.

(2022 йил "22" сентябр даги 8 - рақамли реестр баённомаси)



М.Х.Рустамбаев

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.М.Газиев

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш котиби, юридик фанлар доктори, доцент

М.Б.Усмонов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда эркин бозор муносабатлари доирасида корхоналар сонининг кескин ортиши меҳнат муносабатларини локал тартибга солиш соҳасини кенгайтиришни тақозо қилмоқда. Хусусан бугунги кунда ривожланган демократик мамлакатларда меҳнат муносабатларини локал ҳуқуқий тартибга солиш борасида ижтимоий ҳамкорлик кенг ривожланганлиги, касаба уюшмалари ва ходимлар вакиллик органларининг меҳнат муносабатларини тартибга солиш соҳасида фаол иштирок этаётганлиги, локал тартибга солишнинг ностандарт (масофавий, мавсумий, вақтинчалик, платформа) механизмлари жорий қилинганлиги меҳнат низоларини локал тартибда ҳал этишнинг суддан ташқари институционал тузилмаларини миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда меҳнат муносабатларини локал ҳуқуқий тартибга солиш тизимини янада ривожлантириш соҳасида илмий изланишлар амалга оширилиб, айниқса, меҳнат муносабатларини локал тартибга солишнинг назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари, марказлашган ва минтақавий меҳнат муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари, локал даражада меҳнатни бошқаришнинг замонавий ҳуқуқий механизмлари, меҳнат ва меҳнатга оид қонунлар микро ва кичик корхоналарда амал қилиши, бевосита меҳнат билан боғлиқ муносабатларни локал ҳуқуқий тартибга солишни амалга ошириш бўйича илмий таҳлил қилиш устувор вазифа ҳисобланмоқда.

Республикамизда меҳнат муносабатларини локал ҳуқуқий тартибга солиш тизимини ислоҳ қилиш ва уни халқаро стандартларга мослаштириш, умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш, меҳнат муносабатларини локал тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да “...давлат органларида меҳнат меъёрлари талабларини қайта кўриб чиқиш ва уларга риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш”¹ билан боғлиқ меҳнат муносабатларини ривожлантириш масалалари устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августдаги “Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3913-сон Қарори, 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Меҳнат бозорида меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

743-сон Қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда меҳнат муносабатларини локал тартибга солишни қўллаш билан боғлиқ масалаларнинг айрим жиҳатлари А.А.Иноятов, М.А.Усманова, Й.Турсунов, М.Гасанов, Г.Саттарова, Ш.Исмоилов, Д.Атажанова, М.Рахимов, Л.Рахимкулова каби ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган.

Шунингдек, меҳнат муносабатларини тартибга солиш хусусиятлари МДХ мамлакатларининг Е.Б.Хохлов, Ф.М.Левиант, А.Ф.Нуртдинова, А.М.Куренной, Л.Ю.Бугров, Д.И.Рогачев, В.А.Тарасова, С.В.Ведяшкина, Г.В.Хныкин каби олимлари томонидан муайян даражада ўрганилган.

Хорижий мамлакатлардан эса, G.Fabregat, Carlos L. Alfonso Mellado ва Minawa Ebisui каби олимлар томонидан меҳнатга доир муносабатлар соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган¹.

Юқоридаги илмий изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунгача меҳнат муносабатларини локал тартибга солишнинг ҳуқуқий масалалари мамлакатимизда комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг 2022-2026-йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини локал ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

локал норматив ҳужжатларни меҳнат ҳуқуқининг манбаи сифатидаги ҳуқуқий табиатини ўрганиш;

локал норматив ҳужжатларнинг меҳнат ҳуқуқи бошқа манбаларидан фарқли жиҳатлари таҳлил қилиш;

локал норматив ҳужжатларни таснифлаш мезонларини аниқлаш;

локал норматив ва локал шартномавий ҳужжатларнинг меҳнат ҳуқуқининг манбаи сифатидаги ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

меҳнат қонунчилигида локал норматив ва локал шартномавий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартибини таҳлил қилиш;

¹ Ушбу ва бошқа олимларнинг ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида тўлиқ келтирилган.

меҳнат муносабатларини локал норматив ва локал шартномавий тартибга солишга оид қонунчиликдаги бўшлиқларни аниқлаш;

меҳнат муносабатларини локал ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳамда тавсия этилган халқаро стандартларни миллий қонунчиликда акс эттириш имкониятларини қараб чиқиш;

меҳнат муносабатларини локал ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда меҳнат соҳасида локал норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва уларни қўллаш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда меҳнат муносабатларни локал тартибга солиш механизмини ташкил қилувчи норматив ҳамда шартномавий ҳужжатлар, юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ҳамда илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида анализ ва синтез қилиш, умумлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий тизимли таҳлил қилиш, социологик, эмпирик тадқиқот, статистик маълумотлар таҳлили усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

меҳнат қонунчилигининг “ходимнинг ҳуқуқий ҳолати ёмонлашишига йўл қўйилмаслик принципи”ни “ҳеч бир локал ҳужжат, иш берувчининг яқка тартибдаги ҳужжати ходимнинг ҳуқуқий ҳолатини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ёмонлаштириши мумкин эмас” мазмунида бойитиш зарурати асослаб берилган;

иш берувчи томонидан бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда қандай локал ҳужжатлар қабул қилиниши мумкинлигини меҳнат қонунчилигида белгилаш зарурати асосланган;

локал ҳужжатларда ходимлар учун уларга нисбатан амал қилиши татбиқ этиладиган жамоа келишувларида белгиланганига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари назарда тутиш ҳамда локал ҳужжатларга ходимнинг ҳолатини жамоа келишувларига нисбатан ёмонлаштирувчи қоидаларни киритишни таъқиқлаш зарурати асослаб берилган;

меҳнат шароитлари ноқулай бўлган жойларда ишлаганлик учун иш ҳақиға устамалар сифатида ўртача иш ҳақи таркибидан чиқариб ташланадиган тўловлардан ташқари тариф ставкалари ва ишбай баҳолаш бўйича тўловлар, ташкилотнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақлар белгиланиши лозимлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“меҳнат соҳасидаги локал ҳуқуқий ҳужжатлар”, “меҳнат соҳасидаги локал норматив ҳужжатлар”, “меҳнат соҳасидаги локал шартнома ҳужжатлари” тушунчаларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган;

локал ҳуқуқий ҳужжатларини таснифлаш асослари кўрсатилган ва уларнинг юридик табиати очиб берилган;

меҳнат соҳасида ходимлар, иш берувчилар ва давлатнинг манфаатларидаги мувозанатни таъминлаш мақсадида локал ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан намунавий қоидалар ва тавсияларни ишлаб чиқиш зарурлиги асослантириб берилган;

олий таълим муассасаларида таълим олувчилар учун “Меҳнат ҳуқуқи” электрон дасрлиги ишлаб чиқилган;

“меҳнат тўғрисидаги қонунчилик” тушунчасини “якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонунчилик” мазмунида бойитиш зарурати асослаб берилган;

меҳнат муносабатларини локал ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳамда халқаро стандартлар асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ундаги назарий хулоса ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини шарҳлаш ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи”, “Меҳнат ҳуқуқи”, “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” “Инсон ҳуқуқлари” фанларини илмий-назарий бойитиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти меҳнатга доир халқаро стандартлар асосида меҳнат муносабатларини локал ҳуқуқий тартибга солишни таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш, ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш институтлари томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

иш берувчи томонидан бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органи (касаба уюшмаси қўмитаси, касаба уюшмасининг ташкилотчиси ёки касаба уюшмаси гуруҳининг ташкилотчиси) ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда қандай локал ҳужжатлар қабул қилиниши мумкинлигини меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгилаш юзасидан таклифи янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 6-моддасини 6-бандида ўз ифодасини топган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитасининг 2022 йил 16 февралдаги 05/1-03-37-сон далолатномаси*). Ушбу таклиф меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик принципини такомиллаштиришга хизмат қилган;

меҳнат қонунчилигининг “ходимнинг ҳуқуқий ҳолати ёмонлашишига йўл қўйилмаслик принципи”ни “ҳеч бир локал ҳужжат, иш берувчининг якка тартибдаги ҳужжати ходимнинг ҳуқуқий ҳолатини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ёмонлаштириши мумкин эмас” мазмунида бойитиш юзасидан таклифи янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 8-моддасини 2-бандида ўз ифодасини топган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитасининг 2022 йил 16 февралдаги 05/1-03-37-сон далолатномаси*). Ушбу таклиф меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилган;

локал ҳужжатларда ходимлар учун уларга нисбатан амал қилиши татбиқ этиладиган жамоа келишувларида белгиланганига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари назарда тутиш ҳамда локал ҳужжатларга ходимнинг ҳолатини жамоа келишувларига нисбатан ёмонлаштирувчи қоидаларни киритишни тақиқлаш юзасидан таклифлари янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 14-моддасини 3-4-бандларида ўз ифодасини топган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитасининг 2022 йил 16 февралдаги 05/1-03-37-сон далолатномаси*). Ушбу таклиф меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилган;

меҳнат шароитлари ноқулай бўлган жойларда ишлаганлик учун иш ҳақиға устамалар сифатида ўртача иш ҳақи таркибидан чиқариб ташланадиган тўловлардан ташқари тариф ставкалари ва ишбай баҳолаш бўйича тўловлар, ташкилотнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақларни белгилаш юзасидан таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Меҳнат бозорида меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Табиий-иқлим ва маиший шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга туман коэффициентларини, шунингдек, уларга ҳар йили бериладиган қўшимча таътилнинг энг кам муддатини белгилаш ва қўллаш тартиби тўғрисида низом”нинг 2-бобини 6-бандида ўз ифодасини топган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги 12/21-11-сон далолатномаси*). Ушбу таклиф меҳнат бозорида меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 4 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, 1 та монография ва 6 та илмий мақола (шулардан 1 та хорижий нашрларда), 6 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўққиз параграфдан иборат уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажмини ёритиб берган.

Диссертациянинг **“Меҳнат муносабатларини локал-ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий қоидалари”** деб номланган биринчи бобида меҳнат муносабатлари соҳасида локал норматив ҳужжатлар тушунчаси ва аҳамияти, локал норматив ҳужжатларнинг таснифланиши, локал норматив ҳужжатларни марказий, шартномавий ва индивидуал-шартномавий ҳужжатлар билан нисбати масалаларини ўрганган.

Меҳнат муносабатларини локал-ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий қоидаларини очиб беришда олимларнинг (Ш.Исмаилов, М.Усманова, А.Иноятов, Й.Турсунов, Г.Д. Саттарова, В. Тарасова, Л.Н.Писарева) фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилган, улар билан мунозарага киришган. Шунингдек, бир қатор хорижий давлатлар меҳнат қонунчилигининг меҳнат муносабатларини локал ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ тушунчаси бериб ўтилган нормаларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этган.

Мазкур бобда меҳнат ҳуқуқи предмети бўлган ижтимоий муносабатларни марказлашган ва локал нормалар билан тартибга солиш бирмунча самарали эканлиги ҳамда марказлашган ва локал йўл билан тартибга солишнинг уйғунлиги ходимларнинг шарт-шароитлари қонунларда белгилаб қўйилганлигини ифодаланди. Меҳнат муносабатларини локал йўл билан тартибга солиш тавсиявий усуллардан фойдаланиш имкониятларидан келиб чиқиши ҳамда ваколатли органларнинг меҳнат муносабатлари субъектларига тааллуқли тавсиявий нормалар қабул қилинганлиги назарда тутилади. Бугунги кунда айнан локал норматив ҳужжатлар ёрдамида меҳнат муносабатларини тартибга солиниши муҳим аҳамият касб этиб бораётганини таҳлил этган.

Меҳнат қонунчилиги нормаларини ўз ичига олган локал ҳужжатларнинг таркиби ва мазмуни деярли бугунги кунда қонун чиқарувчининг эътиборидан четда қолмоқда. Фақатгина иккита ҳолатда, жамоага (Меҳнат кодексининг 37-моддаси) нисбатан ва ички меҳнат тартиби қоидаларига (Меҳнат кодексининг 174-моддаси) нисбатан мазмунини ташкил этувчи баъзи масалалар киритилган ҳолос.

Аксарият ҳолларда меҳнат қонунчилигида локал ҳужжатлар тузилмаси ва мазмуни тахминий бўлиб, қонун чиқарувчининг тавсияларидан келиб чиққан ҳолда локал норматив ҳужжатлар субъектлари локал хулқ-атвор қоидаларининг меъёрларини эркин белгилайдилар. Бу эса адолат принциpidан четга чиқмаган

ҳолда меҳнатга оид қонун ҳужжатларда белгиланган нормаларнинг тўлақонли бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Локал ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва мазмунига одатий ёндашув, меъёрлаштириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган локал қоидаларга нисбатан ўрнатилади.

Диссертацияда локал норматив ҳужжатлар тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра локал норматив ҳужжатлар - бу меҳнатга оид ижтимоий муносабатларда иштирок этувчи ходимлар вакиллик органи ва иш берувчилар томонидан ўзаро келишув асосида қабул қилинадиган корхона, ташкилотлардаги меҳнат муносабатларини нодавлат усул ва воситалар билан тартибга солишга йўналтирилган шартномавий йўсиндаги меъёрий ҳужжатлардир.

Локал норматив ҳужжатлар қонунларда назарда тутилган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларини аниқлаштириш, уларни корхоналардаги шарт-шароитлар ҳамда имкониятлардан келиб чиқилган ҳолда белгиланганидан кам бўлмайдиган даражада тартибга солиш вазифасини бажарувчи ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга хос бўлган умумий жиҳатлар билан бир қаторда локал ҳуқуқий манбалар қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

Биринчидан, қонун ости хусусиятига эга бўлиб, уларни шакллантириш замирида умумий нормалар ётади, улар маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда тўлдирилиши ва аниқлаштирилиши мумкин;

Иккинчидан, локал ҳуқуқ ижодкорлигининг асосий субъекти бўлиб, иш берувчи ҳисобланади. Иш берувчи ўз ваколати доирасида локал норматив ҳужжатларни қабул қилиши мумкин. Меҳнат қонунчилигида бевосита кўзда тутилмаган локал ҳужжатлар тўлиқ иш берувчи иродасига боғлиқ бўлади. Бироқ, у локал ҳужжатлар мазмуни масаласида қонун чиқарувчининг умумий кўрсатмаларига риоя этилиши лозим;

Учинчидан, локал норматив ҳужжатлар фақатгина аниқ ташкилот доирасида ички муносабатларни тартибга солиш учун қўлланишга мўлжалланган. Меҳнат ва у билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа муносабатларни тартибга солган ҳолда, локал норматив ҳужжатлар бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга қараганда, иш берувчига бевосита яқинлиги билан тавсифланади, улар ёрдамида ҳар бир меҳнат шартномасининг мазмуни шакллантирилади, ходимга оид маълумотлар рўйхати ўрнатилади ва х.к. Қоида тариқасида локал нормаларни тадбиқ этиш орқали ходим меҳнати учун ҳақ олади, шунингдек, ташкилот маблағлари ҳисобидан тўланадиган бошқа имтиёз ва рағбатлантиришлардан фойдаланади;

Тўртинчидан, локал ҳужжатлар бутун ташкилот доирасида тадбиқ этиладиган меҳнат иштирокчилари юриш-туриш қоидаларини мустаҳкамлайди. Ҳуқуқий нормалардан ташқари, локал норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг асосий мазмунини унда мустаҳкамланган иш одатлари (масалан, ишдан бўшатишда тегишли қайд варақасини тўлдириш зарурияти), иш кўникмалари (ходимларга ёзма кўрсатувлар йиғилишларда берилиши), корпоратив анъаналар (ишлаб чиқариш етакчиларини тақдирлаш), этикага оид нормалар (ҳар бир миждозни хушмуомалалик билан қарши олиш) эстетикага оид нормалар (ташкилот кийимидан фойдаланиш).

Бешинчидан, локал нормалар меҳнатни ташкил этишда рўй берган

ўзгаришларга тезкорлик билан таъсир кўрсатиши, меҳнат қонунчилигини аниқ ишлаб чиқариш ва меҳнат шароитларига нисбатан қўллашнинг қайишқоқлиги ва локал нормаларнинг хилма-хиллиги билан фарқланади. У турли тарафлар манфаатларини қонунийлаштиргани ҳолда ишлаб чиқариш эҳтиёжларини тезкор қаноатлантириши мумкин. Улар кўп ҳолларда тажриба тариқасида, янгича тартибнинг ходимларга таъсирини, амалиётда қўллаш самарадорлигини баҳолаш мақсадида қўлланилиши мумкин;

Олтинчидан, локал нормаларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, чунки уларнинг қабул қилиниши кўп ҳолларда бозор муносабатларининг салбий оқибатларини енгиллаштиришга хизмат қилади. Локал ҳужжатларда, айниқса, жамоа шартномаларида иш берувчининг ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича мажбуриятлари ҳам кўрсатилиши мумкин;

Еттинчидан, локал нормаларнинг яна бир муҳим мақсади – иш берувчи ва ходим манфаатларини ўзаро тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш тизимини қўллаш орқали уйғунлаштиришдан иборат.

Диссертациянинг **“Локал норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш тартиби ва унинг хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида локал норма ижодкорлигининг субъектлари, локал норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартиби, локал норматив ҳужжатларнинг тузилиши ва мазмуни таҳлил этилган.

Мазкур бобда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони билан тасдиқланган “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш” концепциясига асосан белгилаб берилган тартиб қоидалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига зарурий ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги асослантирилган.

Шунингдек, локал норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш орқали ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини аниқлаштириш, меҳнат қонунчилиги билан назарда тутилган ҳуқуқларнинг энг кам даражасидан афзалроқ меҳнат ҳуқуқларини белгилаш ваколати, корхона ва ташкилотларнинг бевосита ўзларига берилиши, бу ҳуқуқлар корхона ходимлар жамоаси ва иш берувчи ўртасидаги музокаралар асосидаги келишувлар йўли билан белгиланишига тўхталиб ўтилган.

Ҳуқуқларни белгилашнинг бундай шакли бўлиб, корхоналарда қабул қилинадиган турли кўринишдаги ҳужжатлар саналади ва бундай корхона ҳужжатлари “локал нормалар” деб юритилувчи умумий ном билан аталади.

Иш берувчининг ички меҳнат тартиб қоидалари, ходимнинг меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа локал норматив ҳужжатлар ва жамоа шартномаси билан таништириш мажбуриятини кўрсатиб ўтган.

Шунингдек тадқиқот ишида олимларнинг “иш берувчи, одатда, локал қонун ҳужжатларини қабул қилишга мажбур эмас, фақат меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кўрсатмалар бундан мустасно” деган фикрига тадқиқотчининг муносабати келтирилган.

Диссертант фикрича локал ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши меҳнат муносабатларини тартибга солишга оид қонун ҳужжатларининг фаол ишлашини таъминлашда кўмаклашади.

Локал норма ижодкорлиги кўплаб хорижий давлатлар тажрибасида ўзининг ижобий натижасини бермоқда ва қабул қилинган локал норматив ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган бўлиб, унинг ижобий жиҳатларини нафақат иш берувчилар балки ходимлар ҳам яққол сезишмоқда, жумладан, Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 68-моддасида, иш берувчининг ички меҳнат тартиби қоидалари, ходимнинг меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа локал норматив ҳужжатлар ва жамоа шартномаси билан таништириш мажбурияти кўрсатилган. Шунингдек, локал норматив ҳужжатлар рўйхати ходимнинг лавозими ва бўйсунушига қараб фарқ қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 82-моддасига ҳам шу мазмундаги ўзгартиришни киритиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги таклиф ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилигига кўра, "...меҳнат шартномаси институтига оид ходимнинг шахсий маълумотлари ўрганилганда ходимларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш бўйича ташкилотларда камида бешта локал ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши керак", деган хулосага келишига имкон беради:

- ходим, унинг меҳнат муносабатлари билан боғлиқ маълумотларнинг рўйхати;
- ходимнинг шахсий маълумотларини қайта ишлаш тартиби;
- ходимнинг шахсий маълумотларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби;
- ташкилот ичида ходимнинг шахсий маълумотларини узатиш тартиби;
- ходимнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қоидалар шулар жумласидандир.

Диссертациянинг **“Меҳнат муносабатларини локал-ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммолари”** деб номланган учинчи бобида меҳнат муносабатларини локал-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг назарий масалалари, локал норматив ҳужжатларни тизимлаштириш, локал норматив ҳужжатлардан фойдаланиш билан боғлиқ амалий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари кўриб чиқилган.

Сўнгги йилларда бутун инсоният ҳаётига хавф солган COVID-19 пандемияси юртимизда ҳам барча соҳаларини издан чиқишига таъсир этди, шу жумладан меҳнат соҳасида ҳам бир қатор муаммоларни пайдо қилди. Дунёда карантин ёки фавқулодда ҳолат эълон қилиниши билан иш вақти ва дам олиш вақти, иш режими, меҳнат таътиллари ҳамда ходимларга ҳақ тўлаш масалаларида юзага келган камчиликлар амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд камчиликларни локал ҳужжатлар билан тўлдиришни тақозо қилди. Бу каби вазиятларда иш берувчи томонидан ходимларнинг иш тартиби ва бошқа меҳнатга оид тартиб қоидаларнинг қонуний асосини яратишга эҳтиёж пайдо бўлди.

Мазкур бобда меҳнат муносабатларини локал-ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ назарий тадқиқотлар амалга оширилган. Натижада ушбу соҳа билан боғлиқ назарий ва амалий муаммолар таҳлил қилиниб, меҳнат қонунчилигида ҳам

дифференциал ёндашув қай даражада муҳимлиги асослантирилган.

Амалиётда кўп ҳолларда ички меҳнат тартиби қоидаларининг белгиланган тарзда расмийлаштирилмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Корхона раҳбарлари ички меҳнат тартиби қоидаларини якка тартибда тасдиқлагани ҳолатлари учраб туради. Мазкур ҳолат локал норматив ҳужжатнинг шунчаки нотўғри расмийлаштирилибгина қолишини аңлатмай, келгусида у билан боғлиқ қарорларнинг ноқонуний деб топилишига асос бўлади. Бундан ташқари ходимнинг аҳволини ёмонлаштирувчи ҳолатлар ўз-ўзидан ҳақиқий саналмагани сингари локал ҳужжат сифатида ички меҳнат тартиби қоидалари жавобгарликни белгилаш масаласида қонунчиликда ўрнатилган чегарадан четга чиқмаслиги лозим. Акс ҳолда ички меҳнат тартиби қоидалари ўз норматив аҳамиятини йўқотади.

Ҳозирги вақтда меҳнат ҳуқуқида локал тартибга солиш билан боғлиқ асосий муаммолар орасида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- локал тартибга солишнинг умумий муаммоларининг ҳосилалари сифатида локал ҳуқуқ нормаларни тизимлаштириш билан боғлиқ локал тартибга солиш муаммолари;

- умумҳуқуқий, тармоқ функцияларининг нисбати ва уларнинг меҳнат муносабатларини локал тартибга солишда намоён бўлиши билан боғлиқ локал тартибга солиш муаммолари;

- иш берувчининг норма ижодкорлиги фаолияти билан боғлиқ локал тартибга солиш муаммолари.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Меҳнат кодексида локал норматив ҳужжатлар сифатида жамоа шартномалари ва келишувлари тушунчаси ва мақсади, принциплари, улар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик тизими белгиланган. Айни пайтда меҳнат қонунчилигининг мазкур қоидаларини қўллашда муаммо келиб чиқишининг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва соҳага оид норматив ҳужжатлар ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этиш ҳамда бугунги кун талабларидан келиб чиқиб меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Х У Л О С А

Меҳнат ҳуқуқининг манбалари сифатида локал ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш натижасида қуйидаги илмий-назарий ва амалий таклиф ҳамда хулосалар ишлаб чиқилган:

I. Илмий-назарий таклиф ва хулосалар:

1. Локал норматив ҳужжатларга нисбатан янги ёндашувларни ҳисобга олиб, қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Локал норматив ҳужжатлар - бу меҳнатга оид ижтимоий муносабатларда иштирок этувчи ходимлар вакиллик органи ва иш берувчилар томонидан ўзаро келишув асосида қабул қилинадиган корхона, ташкилотлардаги меҳнат муносабатларини нодавлат усул ва воситалар билан тартибга солишга йўналтирилган шартномавий йўсиндаги меъерий ҳужжатлардир. Локал

норматив ҳужжатлар қонунларда назарда тутилган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларини аниқлаштириш, уларни корхоналардаги шарт-шароитлар ҳамда имкониятлардан келиб чиқилган ҳолда белгиланганидан кам бўлмайдиган даражада меъёрлаш вазифасини бажарувчи ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Меҳнат муносабатлари соҳасидаги локал ҳуқуқий ҳужжатлар – ходимлар ва иш берувчилар, уларнинг вакиллари томонидан тузиладиган ёки иш берувчининг қонун чиқарувчи органи томонидан ўз ваколатлари доирасида яқка тартибда, биргаликда фикрларни ҳисобга олган ҳолда ёки келишув асосида маълум шаклда ходимларнинг вакиллик органи билан ва муайян ташкилотнинг вазифалари ва шартларига нисбатан меҳнат қонунчилигидаги камчиликларни аниқлаштириш, тўлдириш ёки қўшиш учун қабул қилинадиган ёзма расмий ҳужжатлардир.

Меҳнат муносабатлари соҳасидаги локал шартномавий ҳужжатлар – шундай локал ҳуқуқий ҳужжатки, уларнинг мазмуни, меҳнат ва улар билан боғлиқ бўлган бошқа муносабат иштирокчилари томонидан белгиланадиган норматив ҳуқуқий ҳужжатлардир.

Локал норматив ҳужжатлар - норматив-ҳуқуқий ҳужжатга хос бўлган барча белгиларга яъни: иродавий мазмун; расмий хусусият; кўп сонли ва иерархик тузилиш; умумий хусусиятга эгаллик; ваколатли шахсларнинг ушбу ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқларини давлат томонидан легаллаштириш; ҳужжатлар асосида расмийлаштириш; социал аҳамиятга молик ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун мўлжалланганлиги;

Локал норма ижодкорлиги – меҳнат қонунчилигидаги бўшлиқларни тўлдириш воситаси бўлиб, улардан асосий мақсад - муайян корхона, ташкилот ёки муассаса даражасида меҳнат ҳуқуқининг предметини ташкил этувчи меҳнат ва у билан бевосита боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2. Локал ҳуқуқ манбаларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ажратилди:
 - норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонуности характерга эга эканлиги;
 - локал норма ижодкорлигининг асосий субъекти иш берувчидир;
 - локал ҳужжатлар - бу муайян ташкилот, тармоқ, ҳудуд доирасида фақат ички фойдаланиш учун мўлжалланган актлардир;
 - меҳнатни жамоавий ташкил этишдаги ўзгаришларга локал ҳужжатларнинг тезкор таъсири;
 - меҳнат қонунчилигини муайян ишлаб чиқариш шароитларига қўллашда мослашувчанлик ва локал ҳужжатларнинг хилма-хиллиги;
 - локал ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижтимоий йуналтирилганлиги.

3. Локал норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таснифлаш - ушбу ҳуқуқий ҳолатларнинг турли хил муҳим белгиларини аниқлаш ва белгилаш йўли билан юзага келадиган ва бир-бирига боғлиқ бўлган элементлардан ташкил топган тартибли тузилма сифатида, локал ҳужжатлар ўртасидаги мавжуд боғлиқлик, у ёки бу акт мажмуининг ўрнини тўлиқлигича аниқлаш, уларни фарқлаш, мазмуни ва тузилишининг хусусиятларини белгилаб берадиган ушбу актларни тизимлаштиришнинг асосий воситаси эканлиги асослантирилди.

4. Локал ҳуқуқий ҳужжатларни таснифлашнинг мезонлари ажратилди:
 - локал ҳужжатни тартибга солиш предмети;

локал ҳужжатнинг ҳуқуқий таъсир шакли;
локал ҳужжатнинг мазмуни;
локал ҳужжатнинг таъсир доираси ва локал ҳужжатнинг амал қилиш муддати;
локал ҳужжатнинг ҳуқуқий табиати (келиб чиқиши);
локал ҳужжатни яратиш (қабул қилиш) усули ва локал ҳужжатни тасдиқлаш усули;
локал ҳужжатни умумлаштириш даражаси ва локал актнинг ифодаланиш шакли (номи).

5. Меҳнат соҳасидаги локал ҳужжатларни тизимлаштириш, меҳнат соҳасидаги локал ҳуқуқий манбалар тизими, ижтимоий-меҳнат муносабатларининг ички ташкилий муҳим хусусиятларини қамраб олган ҳолда уларни аниқлаштириш, меҳнат қонунчилигининг умумий нормаларини локал шароитга боғлиқ ҳолда батафсил баён қилиш, шунингдек, қонун ҳужжатларидаги камчиликларни тўлдириш учун мўлжалланганлиги асослантирилди.

6. Жамоа шартномаси ва келишувларининг хусусиятлари ажратилган:
ушбу ҳужжатларнинг меҳнат ҳуқуқининг норматив манбаларини аниқлаштиришга қаратилган;

иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини амалга оширишнинг этакчи шакли сифатида гавдаланиши;

барча ходимларга қаратилган умумий хулқ-атвор қоидаларининг ушбу ҳужжатлардаги ҳуқуқий норма сифатидаги мазмуни берилган;

ходимларнинг жамоага доир манфаатлари ва корхона манфаатлари уйғунлиги акс этади;

томонлардан бирининг ихтиёрига кўра ушбу ҳужжатларни ўзгартириш ва бекор қилиш мумкин эмаслиги асослантирилди.

7. Локал манбаларни тизимлаштириш локал норма ижодкорлигини бирлаштириш усули сифатида қаралиши лозимлиги, кўплаб локал норматив ҳужжатларни амалий қўллаш учун қулай қилиш, локал ҳужжатларнинг уйғун ва ўзаро боғлиқ иерархиясини яратиш, бу баъзи бир актларнинг бошқаларга бўйсунуши билан боғлиқ аниқ жавобларни топиш ёки муайян ҳуқуқий вазиятни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар “занжири” бўйича зарур маълумотларни олиш имконини бериши асосланди.

II. Амалдаги қонунчилик нормаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар:

1. Ходимларнинг вакиллик органлари ҳақ ҳуқуқлари билан боғлиқ нормалар амалдаги қонунчилигимизда тўла баён этилмаган. Бу эса, ходимларнинг вакиллик органлари бошқа локал ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ижроси таъминланишини назорат қилиб туриш билан боғлиқ айрим муаммоларни келтириб чиқади. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 23-моддаси 1-бандига қуйидаги мазмундаги ўзгартириш киритилиши лозим: *“Ходимларнинг вакиллик органлари қўйидагиларга ҳақлидир: музокаралар олиб бориши, жамоа шартномалари ва келишувлари, шунингдек, бошқа локал норматив ҳужжатлар тузиши, уларнинг бажарилишини*

текишириб туриши, иш берувчига корхонада меҳнат тўғрисида норматив ҳужжатлар тайёрлаш юзасидан таклифлар киритиши”;

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг “Жамоат шартномаси” деб номланган бобида жамоа шартномасини лойиҳаси муҳокамаси берилган бўлсада, аммо уни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга оид норма белгиланмаган. Шунга кўра, амалдаги Меҳнат кодекси “*Жамоа шартномаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби*” деб номланган янги модда билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-моддаси 3- бандига кўра меҳнат шартномаси тузиш ҳақидаги келишувдан олдин кўшимча ҳолатлар бўлиши мумкинлиги белгилаб ўтилган, ушбу ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида қуйидаги мазмундаги ўзгартириш киритилиши лозим:

“Шунингдек, меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва меҳнат қонунчилиги нормаларини ўз ичига олган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ёки ташкилот уставиди (низомида) локал норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда лавозимга тайинлаш ёки лавозимга тасдиқлаш натижасида меҳнат шартномаси асосида юзага келади”

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 177-моддасини қуйидаги мазмундаги янги банд билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир:

*“ҳодимларни қабул қилинган локал норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, уларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган локал ҳужжатларга киритилган ўзгартиришлар билан **имзо** орқали таништириши”*

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 281-моддаси биринчи бандига қуйидаги мазмунда ўзгартириш киритилиши лозим:

*Жамоаларга доир меҳнат низолари (зиддиятлари) — бу иш берувчи (иш берувчилар бирлашмаси) ва ходимлар жамоалари (ҳодимларнинг вакиллик органлари) ўртасида меҳнатнинг янги шартларини белгилаш ва мавжуд шартларини ўзгартириш, жамоа шартномалари ва келишувларини **ҳамда бошқа локал ҳужжатларни тузиш, ўзгартириш ва бажариш** юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлардир.*

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 14 июнда 746- рақами билан рўйхатга олинган “Корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидалари” ҳам бугунги ривожланиш даврининг талабларига мос эмаслигидан келиб чиқиб қайта ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

III. Меҳнат муносабатларини локал ҳуқуқий тартибга солиш амалиётини ривожлантириш бўйича тавсиялар:

1. Бугунги кунда меҳнат муносабатларини тартибга солишда локал ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Бироқ, давлатнинг ваколатли органлари томонидан ишлаб чиқилган ва тавсиявий характерига эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, локал норматив ҳужжатлар кўпинча корхоналарда меҳнат муносабатларини тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади. Шу муносабат билан, локал норматив ҳужжатларни яратишда иш берувчилар томонидан ҳисобга олинмаган намунавий қоидалар ва

тавсияларни ишлаб чиқишда норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш қоидаларига риоя қилиш тавсия этилади, бу эса ходим, иш берувчи ва давлат манфаатларини оқилона уйғунлаштиришга ёрдам беради.

2. Локал норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг фундаментал ёндашувларига қуйидаги қоидаларни киритиш лозим:

а) иш берувчи меҳнат қонунчилиги нормаларини ўз ичига олган локал норматив ҳужжатларни фақат ўз ваколатлари доирасида қабул қилиши мумкин;

б) қонун чиқарувчи локал ҳужжатни қабул қилишнинг бир нечта кўринишларини назарда тутати:

ходимлар вакиллик органининг фикрини ҳисобга олган ҳолда иш берувчи томонидан қабул қилинган;

иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишилган ҳолда қабул қилинган;

бир марталик (мустақил);

иш берувчи яъни юридик шахснинг бошқарув органлари томонидан қабул қилинган;

ходимлар вакиллик органи томонидан қабул қилинган.

3. Жамоа шартномаси ва келишувларини ишлаб чиқиш ва тузиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқдир, бу эса Жамоа шартномаси ва келишувларини ишлаб чиқиш ва тузишда процессуал масалаларни тартибга солади.

4. Бандлик ва меҳнат вазирлиги томонидан миллий меҳнат соҳасидаги локал норматив ҳужжатлар намуналари тўпламини ишлаб чиқиш зарур. Белгиланган комплекс “Меҳнат соҳасида локал норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бирлаштириш тўғрисида”ги услубий кўрсатмалар шаклида бўлиши, иш берувчи ва ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар манфаатлар мувозанатини сақлашга қаратилган бўлиши лозим.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига иш берувчилар, ходимлар ва уларнинг вакиллари биргаликда ходимларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқишларига оид норма киритилиши лозим. Ушбу ҳимоя чоралари бўйича қабул қилинган қарорлар иш берувчининг буйруғи ёки ходимнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш қоидалари шаклида локал норматив ҳужжат билан расмийлаштирилиши керак.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ УНИВЕРСИТЕТЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**УНИВЕРСИТЕТ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ЯРАШЕВ БОБОМУРОД ЧАЛГАШЕВИЧ

**ЛОКАЛЬНОЕ ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ТРУДОВЫХ
ОТНОШЕНИЙ**

12.00.05 – Трудовое право. Право социального обеспечения

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по юридическим наукам

Ташкент – 2022

Тема диссертационной работы доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.PhD/Yu249.

Диссертация выполнена в Университете общественной безопасности Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на сайте информационно-образовательного портала «Ziyounet» (www.ziyounet.uz), на трех языках (узбекский, русский, английский).

Научный руководитель: Усманова Муборак Акмалджановна
Доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты: Аминжанова Матлуба Ахмедова
Доктор юридических наук, доцент
Саттарова Гулноза Джуракуловна
Кандидат юридических наук

Ведущая организация: Высшая школа судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится « 4 » ноября 2022 года в 14.30 часов на заседании Разового научного совета при Научном совете DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 при Университете общественной безопасности Республики Узбекистан (Адрес: 100211, Ташкентская обл., Зангиотинский район, поселок Чорсу. Тел.: 998 71 230-32-71; факс: 998 71 230-32-82; Jxu@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Университета общественной безопасности Республики Узбекистан (зарегистрирован под №2367). (Адрес: 100211, Ташкентская обл., Зангиотинский район, поселок Чорсу. Тел. +998 71 230-32-71; факс: +998 71 230-32-50).

Автореферат диссертации разослан « 22 » октября 2022 года
(реестр протокола рассылки № 4 от « 22 » октября 2022 года).



М.Х.Рустамбаев
Председатель Разового научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

Ш.М.Газиев
Секретарь Разового научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, доцент

М.Б.Усмонов
Председатель научного семинара при Разовом научном Совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и необходимость темы исследования. В мире во времена свободных рыночных отношений наблюдается резкий рост количества предприятий, что требует расширения сферы локального регулирования трудовых отношений. Учитывая широкое распространение социально-партнерских отношений в вопросах локального правового регулирования трудовых отношений, активное участие профсоюзов и иных представительных органов работников в сфере регулирования трудовых отношений, внедрение новых нестандартных (дистанционных, сезонных, временных, платформенных) механизмов локального регулирования, важное значение имеет внедрение в национальное законодательство и правоприменительную практику внесудебных институциональных структур локального разрешения споров.

Научные исследования, проводимые в мире в области дальнейшего развития локального правового регулирования трудовых отношений, показали важность научного анализа особенностей теоретико-правовых аспектов локального регулирования трудовых отношений, особенностей централизованных и региональных методов регулирования, современных правовых механизмов управления труда, применения трудового законодательства, осуществления локального регулирования отношений непосредственно связанных с трудовыми.

В нашей стране особое значение придается реформированию системы локального правового регулирования трудовых отношений и приведению в соответствие с международными стандартами, дальнейшему расширению сферы трудовых прав граждан в соответствии с общепризнанными международными стандартами, дальнейшему совершенствованию нормативно-правовой базы в сфере локального регулирования трудовых отношений.

В Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы в качестве приоритетной установлены цели развитие трудовых отношений, связанные с «пересмотром требований по рабочему времени и трудовым нормативам в государственных органах и усиление контроля за их соблюдением»¹.

Данное диссертационное исследование в определенной степени направлено на реализацию Трудового кодекса Республики Узбекистан, Законов Республики Узбекистан «О занятости населения», «О профессиональных союзах», «Об охране труда», Указа Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №60 «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановления Президента Республики Узбекистан от 20 августа 2018 года №3913 «О мерах по совершенствованию структуры органов по труду и укреплению системы защиты трудовых прав и охраны труда граждан», Постановления Кабинета министров Республики Узбекистан от 6 сентября 2019 года №743 и других отраслевых законодательных актов.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №60 “О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026”// <https://lex.uz/docs/5841063>

Связь диссертационного исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением «I. Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Некоторые аспекты локального правового регулирования трудовых отношений были изучены национальными учеными-правоведами, среди которых необходимо отметить таких как А.А. Иноятов, М.А. Усманова, Й. Турсунов, М. Гасанов, Г. Саттарова, Ш. Исмоилов, Д. Атажанова, М. Рахимов, Л. Рахимкулова.

